

«Истиғфорнинг саййиди «Аллоҳумма анта роббии. Лаа илааҳа илла анта. Холақтаний. Ва ана абдука ва ана ала аҳдика. Ва ваъдика мастатоъту. Аъузу бика мин шарри маа сонаъту. Абууъу лака би неъматика алайя. Ва Абууъу лака би занбий. Фағфир лий. Фа иннаҳу лаа яғфируз-зунуба иллаа анта», демоғингдир.

Ким уни ишонч билан наҳорда айтса, ўша куни кеч киришидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлур. Ким уни ишонч билан кечаси айтса, ўша куни тонг отишидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлади».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Маъноси: «Эй Аллоҳим! Сен Роббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени халқ қилдинг. Мен Сенинг бандангман. Мен қодир бўлганимча Сенинг аҳдинг ва ваъдангдаман. Сендан ўзим қилган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Сенинг менга берган неъматингни эътироф қиламан. Сенга гуноҳларимни ҳам эътироф қиламан. Мени мағфират қил. Сендан бошқа ҳеч бир зот гуноҳларни мағфират қилмас».

Ушбу «Саййидул истиғфор» номи ила машҳур бўлган дуони ўқиб юришни кўпчилик азизлар одат қилишган. Дуони яхшилаб ёд олиб, ўқиб юрмоқни ҳар бир мусулмон одат қилиши лозим.

Кейин қуйидаги дуони ўқийди:

هَلَلِى لَصْرِهَلَلِى لُؤْسَرَ نَاكَ : لَاقِدْ هَيْبَ اَنْع ، اِيْزِبْ اَنْبِ نَمَّحَّرِلْ اِدْبَعَنْبِ هَلَلِى لَدْبَعَنْعَنْعِ
نِيْ دَوِّصْ اَلْخِلْ اَلْمَلِكْ وَاَمَّ اَلْسِلْ اَلرُّطِفِ اَلْعَنْ اَنْحَبْ صَا : لَاقِحَبْ صَا اِذَا مَلَسْ وَاَيْ لَعِ
نَاكَ اَمَّوْ اَمَّ لَسُّمَّ اَفِيْ نَحَّ مَيَّ اَرْبِ اِنِّيْ اَبْ اَلْمَوْ ، مَلَسْ وَاَيْ لَعِ هَلَلِى لَصْرِ دَمَّحُّمَّ اِنِّيْ بَنْ
«نِيْ كُرْشُمَّ لَانْ».

Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ибн Абзодан, у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон тонг оттирсалар: «Асбаҳнаа ала фитратил Ислами ва калиматил ихласи ва дийни Набиййнаа Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама ва миллати абийнаа Иброҳийма ҳанийфан муслиман ва маа каана минал мушрикийн», дер эдилар».

Маъноси: «Ислом фитратида, ихлос калимаси, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дини ва мушриклардан бўлмаган бошқа динларга оғмаган муслим отамиз Иброҳимнинг миллатида тонг оттирдик».

Сўнг қуйидаги дуони ўқийди.

